Саврон тумани Қорачиқ қишлоқ округидаги "Турон" умумтаълим мактаби директори, тажрибали педагог, газетамиз жонкуяри Ахмаджон Ахмедов 2024 йилнинг биринчи ярмига 100 нусха "Жанубий Қозғистон" газетасига обуна расмийлаштириди.

МУТОЛААГА МУШТОҚ ДИЛЛАР

Суҳбат чоғида директор А. Ахмедов ўзи раҳбарлик қилаётган мактаб жамоасининг таълим ва спорт соҳасида эришган токларни, хусусан, мактаб волейбол жамоасининг туман, вилоят ҳамда республика миқёсидаги фалабасини тилга олди.

Волейболдан Республика терма жамоасида "Турон" мактаби вакили ҳам борлиги диккатга сазовор. КР Президенти Қасим-Жўйматр Тўқаевнинг республика педагоглари анжуманида белгилаган вазифалари асосида тарихий китоблар мутолаа, хусусан, туркиялик таниқли ёзувчи, муаллиф Ахмад Шимширгил қаламига

мансуб "Амир Темур" китоби мутолаасига оид ижобий фикрларини таъкидлади. Китоб тақдимотини ташкил этишда жамоат ишларидаги фалҳамашилларни – ақа-ука Хўжааҳмад ва Абдулла Исламтулаевларга миннатдорчиллик билдириди. Соҳибкорон Амир Темурнинг Туркистон шаҳри, вилояти тарихидаги бунёдкорлик аҳамияти ўзгачадир. Ҳазрат Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбарасини барпо эттирган соҳибкорон Амир Темур номи асрлар оша ҳалқлар хотириасида ҳурмат ила эъзозланади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвириларда: директор А. Ахмедов; "Амир Темур" китоби.

Муаллиф суратга олган.



ТАШАББУСНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

Бунга қадар Саврон тумани Чоға қишлоқ округидаги Мўлда Муса номли мактабага раҳбарлик қилган тажрибали устоз Шўллан Ахметова (тасвирида) ўкув йилининг иккинчи чорагидан бошлаб, Юнгак қишлоқ округидаги А. Юнгакий номли мактабга директор этиб тайинланди.

У Алмати шаҳридаги С. Киров номидаги университетнинг биология факультетини тамомлаган. А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетидаги меҳнат қилган. Биология фанлари номзоди. Мактаб раҳбари 2024 йилнинг биринчи ярмига шартнома асосида 130 нусха "Жанубий Қозғистон" газетасига обуна расмийлаштириди. Суҳбат чоғида Шўллан Бектас қизи миннатдорчиллик билдириб, тақлифи ни кўйидагича изҳор этди.

– Мен Мўлда Муса номли мактабни тубдан таъмирлаш масаласи бўйича

мурожаат этганимда "Жанубий Қозғистон" газетаси мухбири Шомирза Мадалиев вилоят маслаҳати депутати, "Южный Казахстан" газетаси раҳбари Марина Лимаренкова илтимосимизни ёзма равишда йўллаб, ёрдам кўрсатди. Депутат М. Лимаренко вилоят ҳокими ўринбосари қабулидаги бўйиб мактаб таъмирини режага киритди. Саврон тумани ҳамда Чоға, Интимок қишлоқлари ўзбек этномаданият бирлашмалари раислари Курбонбой Ирисбеков, Одил Мехмонов, Абдуҳамид Умаровлар туман ҳокимлигига мурожаат этишиди. Пироввардида кўплашиб кўтарған юнгил, деганларидек, озиқиб кутилган кун – мактабни тубдан таъмирлаш республика бюджети ҳисобидан яна 4 ойдан сўнг бोшланади. Барча ҳамортаримизга раҳмат. Мен эндиликда айнан М. Муса номли мактаб лойиҳасида курилган, худди шундай таъмирлаш мухтож

А. Юнгакий мактаби раҳбари сифатида юқорида қайд этилган раҳбарлар ҳамда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметовдан ташкилий ёрдам кўрсатишларини сўрайман, – деди Шўллан Ахметова.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Муаллиф тасвири.



ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИГА ШОН-ШАРАФ

Кентовликлар боксдан Астана шаҳрида ўтган Осиё биринчилигида ғолибликка эришган Бахтиёр Анорбоев билан Айим Танкибаевни тантаналини кутиб олишида.

Шаҳар ҳокими Жандус Тасов республика миқёсида Кентов шаҳрининг доврунини чиқарған моҳир боксчиларни мубораббод этиб, янги зафарлар тилади. Бахтиёр Анорбоев Астана шаҳри

да ўтган Осиё чемпионати ёшлиларидан 60 кг. вазн тоифасида биринчи ўринни заллаб, Осиё чемпиони бўлса, Айим Танкибаева 46 кг. вазн тоифасида кумум медаль совориндори бўлди. Бахтиёр Баҳодир ўтган



ИПОТЕКА НАСИЯСИНИ ТЎЛАШДА СОЛИҚЛАРНИ ҚАНДАЙ ТЕЖАШ МУМКИН?



Таъкидлаш жоизки, «Отбасы» банкнинг тартибида кўра, биричини уч йил давомида қарз олувчи банкка фақат асосий қарзни тўлашади. Бу ҳолда, солиқ имтиёзлари айниқса, аҳамияти бўлади.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН?

Қарз олувчи ўз иш берувчисига ариза билан (эркин шаклда ёзилган) мурожаат қилиши, шунингдек, қўйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этиши керак:

- Банк кредит шартномалари;
- Тўловлар жадвали;
- Кредит тўланганинг тасдиқловчи ҳужжатлар (чеклар, тўлов квитанциялари ёки кўчирмалар).

Агар қарз олувчи бир неча йил давомида насияни тўлаётган ва

шахсий даромад солиги олинаётган бўлса, унда қайта ҳисоб-китоб қилиш мумкин (охирги 5 йилдаги энг кўп миқдори). Бу ҳолда, иш берувчига уй-жой насияни тўлаш муддатини кўрсатишингиз керак.

Агар иш берувчи қайта ҳисоб-китоб қилиш талабингизни рад этса, сиз солиқ хизматига мурожаат қилишингиз керак, чунки ушбу қоидага риоя қилмаслик Қозғистон Республикаси қонунчилигини бевосита бузиш ҳисобланади.

Ушбу қоидада биргаликда қарз олувчиларга, шунингдек, Қозғистон Республикасининг норезидентлигига нисбатан кўлланимайди.

Малика ЭЛТОЕВА тайёрлади.

»» Обуначиларимиз орасида

ДОНИЁР ДЕПУТАТНИНГ ТАШАББУСИ



Нафақат Қозогистон, балки жаҳон миқёсида та нилини ва доврукли Туркестон шаҳри маслаҳатида халқимизнинг тадбиркор вакили, доимий жамоатчи обуначиларимиз Дониёр Аюпов депутатлик вазифасини виҷданон адо этиб келмоқда.

Дониёр Мадихон ўғли 1984 ийли 7 наябрда туғилган, ўтра мәълумотни ўзи ҳозир имкон дараҳасида ёрдам кўрсатаётган Ҳамза номли мактабда олган. А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университегининг экология факультетини криминалист-эксперт, иқтисод-мөлияни ихтисосликлари бўйича тамомлаган. Ҳарбий кафедрада таҳсил олган лейтенант, заҳирдаги зобит. Унинг падари бузурковори Мадихон Қодир ўғли йўл қуриши со-

таётган укаси Дилмурод Мадихон ўғли билан бирга Туркестон шаҳри равнақига мунособ ҳисса кўшиш йўлида меҳнат қилишмоқда.

Гаппар Сарсенбаев раислик қилаётган Туркестон шаҳар маслаҳатига "AMANAT" партиясидан сайлаган Дониёр депутат сифатида вилоят ҳамда шаҳар ҳокимларидаги йиғилишлар, анжуманларда фаол иштирок этди. Бирлик кичик тумани раҳбари Тойир Абдувалиев, Э. Иззатуллаев номли мактаб директори Мухаммадрасул Из-

турли акциялар, хайрия анжу манларидаги ҳам фаол иштироқи, ҳомийлик ҳиммати билан танилган. Адил Носир Фозилов номи берилган мактаб ҳовлисида ёдгорлик ўрнатиш ишларига масъул. Бирлиг туманида истиқомат қиливчи доимий обуначиларимиз, "Нур Сармат" МЧБ раҳбари Абдуманоп Абдураззаков депутатнинг хизматидан мамнун эканлигини таъкидлади. Ҳамза номли мактабининг 105 йиллик



ҳаси, волидаи муҳтарамаси Дилором Бобохон қизи эса фармацевтика соҳасида меҳнат қилиб, элда эъзоз топишган. Иккита олий маълумоти умр йўлдоши, тадбиркор Ди нора Жумадулла қизи билан Назарбаев заковат мактабида таҳсил олайтган фарзандлари Комила ҳамда мактабда аъло

затуллаев, фаҳрийлар кенгагиши раиси Даҳаҳон Жалилов, маҳалла қўмиталари ҳамда сайловчилар билан биргаликда турли муамма ва масалаларни ижобий ҳал қилишда изчилик фазилати билан эл эътиборини қозонмоқда. Райимжон Қўчкоров ўзи раҳбарлик қилаётган "Үлес" хайрия жамғармаси

тадбиррида ҳам шу мактабнинг битирувчиси сифатида хизматда бўлиб, ҳомийлик ёрдамини кўрсатди.

2024 йилнинг биринчи ярмига бошقا нашрлар қатори "Жанубий Қозогистон"га ҳам обуна давом этмоқда. Дониёр Мадихон ўғли 40 нусха газетанинг доимий ҳомийси сифатида

Филолог-журналист.



баҳоларга таълим олаётган Мадиёр, Ясмина, Солиҳларни тарбиялашмоқда. Уларнинг зуко, комил инсон сифатида тарбияланishiда меҳрибон, талабчан аммаси, нафақадаги устоз Раъно Қодир қизининг саъи-ҳаракатлари бекёс. До ниёр ўзи каби тадбиркорлик соҳасида самарали фаолият юри-

кошида фаолият юритаётган А. Яссавий номли китобхонлар клуби аъзолари даврасида депутат Дониёр Аюпов билан маҳсус учрашув ташкил этганини ташкил шонли тарих. Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган Туркестон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси то монидан амалга оширилаётган

нашрни тарқатиш доирасини кенгайтириш мақсадида вилоят маркази бозорларидағи тижоратчи тадбиркорларни обунага жалб этиши хусусидаги режа-та шаббусини баён этди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвириларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

P.S. Вилоят жамоат тотувлиги бошқармаси, Туркестон шаҳар ҳокимлиги ва маъмурияти, "Үлес" хайрия жамғармаси, Э. Иззатуллаев номли мактаб жамоаси, сайловчилик, оила аъзолари депутат ҳамда фаол жамоатчи Дониёр Аюпови 40 ёш арафасидаги таваллуд айёми билан муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик, саодат ҳамда янги зағарлар ташлайди. "Жанубий Қозогистон" газетаси таҳририяти ҳам сара тилаклар ижоба тига тилакдош.

Сайрам даҳасидаги Садоқатхон Сулаймонова раҳбарлик қилаётган "Жамалай ана" болалар боғчасида "Куз хәйлоти" ("Осенни фантазии") мавзуида тадбир ўтди.

Унинг ранг-баранг ўтишида тарбияланувчиларнинг ота-оналари фаоллик курсатиши.

"Жамалай ана" болалар боғчаси мудириаси Садоқатхон Сулаймонова ва услубияти Феруза Нурметова раҳбарлиги ҳамда тарбиячи Нодира Тўламетова, Саодат Абдуазиз мова, Доно Рашидова, Севара Абдуллаева, Гулчехра Ботирхоновалар ташаббуси билан уюстирилган байрамда 14та гурух фаол иштирок этди.

Хар бир гурух тарбияланувчи сининг ота-оналари томонидан бе затилинг тўкин дастурхон, куз ноз неъматлари, мева-сабзавотларидан иборат кўргазмалари байрамга ўт-

КУЗ – ҚУТ-БАРАКА, ТЎКИНЛИК ФАСЛИ



ОИЛА САОДАТИ – ТОТУВЛИКДА



Туркестон вилояти ҳокимлиги ижтимоий тараққиёт бошқармасига қарашли "Жамоат тотувлиги" ДКК ташкиличилигидаги жамиятимиздаги муҳим муаммо – оиласи зўравонликтин олдини олишга қаратилган тадбир ўтди.

Ахолиси зич жойлашган Туркестон вилоятида ушбу масала долзарб. Жамиятимиздаги зўравонликтин олдини олиш учун ҳар бир оиласи даромад манбай бўлиши шарт, уларда асрлар оша аждодларимиз қадрлаб

керап.

Онлайн тартибда вилоятимиздаги барча шаҳар, туман фаоллари иштирок этган тадбирда КР Инсон ҳукуклари бўйича Туркестон вилояти вакили Н. Кўжабекова, Қозогистон

халқи Ассамблеяси вилоят

булими қошидаги оналар кенгаси аъзоси Ш. Примбетова хамда вилоят бандликни му воғиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси раҳбари ўринбосари К. Мировалар маъруза қилдилар. Муҳокамада турли соҳа вакилларининг тақлифлари тингланди.

Р. МАДАЛИЕВ.

Тасвирида: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

»» Замонавий қозоқ шеърияти



Кузнинг сўнгги қунлари

Ранги тўзган барининг
Атрофни тутган тўлғоқ,
Кекса киши қўлидай
Қалтирайди ҳар япроқ.

Сўнгги пайтлар ерга кун
Нури зўрга тушибди.
Қора булут йўргагин
Қуритолмай, ўқсиби.

Уйга тиқилган ҳамма,
Қўнчадаги иш тамом.
Ўз бйлигин келиб қиши
Юрттар ҳализамон.

Япроқдан тўн кийзизиб,
Ёнлар тешиб боради.
Ҳамма менга қаради.
"Ўх-хў", дея йуталиб,

Овозни сал кўтариб,
– "Дўстлар!" – дедим, ўшнга
Ўзни қилай тавсия.

Илк бор олган "беш" баҳом
Бугунги зўр қувончим,
Бешга бешни кўшопдим.
Четда қолди ёмон "уч",

Илк бор "беш" баҳо опидим.
Бир пайтлар бермайдиган
Кундалигим узатдим.

Кулмайдиган ўқитувчим
Кулди, шундан кисилдим.
Кулиб турбি кўйидирди
Қўймоги бир "беш" эди,
Тириклийн ўлдириди

"Икким"ни ҳам кечаги
Кундалика "кўндириди".

**Қозоқ тилидан
У. КАРИМОВА
таржимаси.**

Олма ғарахти

Дарахт эмас билсанлар,
Асл она бу турган.

Пишган сайн довчаси,


Кўркамлашган, кулф урган.

Олманинг ҳар донаси

Унга фарзанд – боладай,

Усиз олма дарахти

Бефарзанд бир онадай.



Тоширилган ҳамма,

Кўкс-дили тог бўлиб.

Шеърини битди Аваз,

Кайфияти чоғ бўлиб!

Бошлиқнинг сўзлари сўз,

Катта концерт бошланди.

Театр жамоаси,

Саҳна узра ташланди.

Хавазмат КЎЧКОРОВ.

Ҳозогистон ёзувчилар

уюшмаси аъзоси.

Ишқимни ошкор этиб,
Жўшиб-жўшиб куйладим.
Қиз жамолин таърифлаб,
Ёниб-ёниб куйладим.
Қанчалим мен мақтадим,
Бўлдим, – дея маҳлиё.
Айланим ҳам ўргилдим,
Боқмади менга қиё.
Дардим ичимда колди,
Узид дотор торини...
Балки у кутар эди,
Севиб қолган ёрини.
Узилса тор узилсин,
Узилмасин, муҳаббат.
Икки ошик бир бўлиб,
Бахтини топгай, албат.

**Эрназар РЎЗИМАТОВ.
Ҳозогистон ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.**

гача шукух бағишилади. Шунингдек, ота-оналар фарзандлари билан куз мавзуидаги тайёрларига эсдалик соваглари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Тадбирнинг мусикий қисмидаги куз либосидаги Дурдона Ирисматова болаларнинг мавзуза оид шеър ва топишмоқларини тинглаб, рақсга тушди.

Дарҳақиқат, болалар маънавияти шаклланаётган маскандаги ҳар бир тадбир фарзандларимиз келажалигини пойдеворини мустаҳкамлаши мүкаррар. Куз фаслига бағишиланган тадбир барчага аъло кайфият бағишилади, иштирокчилар турли номинациялар билан тақдирланаб, уларга ташаккурномалар топширилди.

М. УСМОНОВА.

Тасвирида: тадбирдан лавҳалар.



»» Түрмуш чорраҳаларида

2000 йилларнинг боши. Ирисали ота бу гийбатларни ким тарқатाटганини биларди. Уруш вақти бўлганидами, бу гапи учун уни отиб ташлаган бўларди. «Ирисали урушда бўлмаган, – дебди ҳамқишлоғи Азимхон бир даврада. – Мен аниқ биламан, у Новосибирда ишчи батальонида бўлиб қайтган».

1944 йилнинг март ойи эди. Иккичи Белоруссия фронти эндигина тузилиб, хужумга ўта бошлаган кунларнинг бирида унинг оёги ва кўкрагига теккан ўқни врачар чиқара олишмаганди. Шифокорларнинг ўзаро галлашганини элас-элас эслайди. «Жуда кўн қон йўқотган, – деганди жарроҳи қилган врач. – Бу ўқларни олиб ташлаидиган бўлсан, дарҳол жон беради. Яхшиси, қолаверсин. Кейин, соғлигини тиклаб олса, бир куни олдириб ташлар». Мана, шу воқеадан кейин ярим асрдан кўп вақт ўтди. Ирисали ота танасидаги ўқ ҳақида ўчиғимга оғиз очмади. 50 йилдан бўён тунларни кийноқда ўтказади.

Азимхоннинг ўзи ҳарбий комиссариатдан қақирив қоғози келган куни тоққа кочиқ кетган эди. Уруш тугагандан кейин икки йил ўтиб, қишлоққа қайтди. 60 ёшга тўлғанида эса уруш қатнашчиларида, ҳарбий пенсия ола бошлади.

– Агар Ирисали урушда қатнашган бўлса, менга ўҳшаб, ҳарбий пенсия олаётган бўларди!

Бу сўз Ирисали отага оғир ботди. Уйини бузиди, қайта кураётгандарнида ҳарбий билети, орден ва медаллари йўқолиб кетди, у қайта тикишага ҳаракат қилимади. Лекин эмили ҳам кеч эмас. Автобусга ўтиридо, туман марказига йўл олди. Бир соаттагача оловли йилларни кўз олдидан ўтказди. Қанчадан-қанча ҳамқишлоғи кўз олдида жон бериб, бегона юрт тупрогида қолиб кетди...

Авлав ҳарбий комиссариат эшигидан уни киритишмади. Ярим соат тикка турди, кейин танасида қолиб кетган ўхнинг оғриғига чиради олмай, шу ердаги бир тўнкага ўтириди. Деразадан нағватчи зобит кўриб турган экан, қақириди.

Ирисали отанинг умиди яна учкунлади: балки бугун ишми битиб қолар...

– Отахон, шанба куни бу ерда нима қилип юрибисиз, биласизку, бугун њеч ким ишламайди.

– Узоқ қишлоқдан келдим, ўғлим, ишламасликларнинг қаёқдан билай? Ҳарбий билетим ўйқолган. Фронтда яраланганиман. Танамда икита ўқ қолиб кетган, – деди Ирисали ота.

– Қайси қишлоқдан келдингиз?

– Тўнғизтовдан. Тўлебий туманида шундай қишлоқ бор, ҳозир Кўргон дейишади.

– Ажойиб-ку, демак, сиз яшаётган оувл – тўнғизларнинг макони эканда?

– Тогда тўнғиз бор.

– Бу бошқа гап, отахон. Ана шу тўнғизнинг гўштидан олиб келиб берсангиз...

– Нималар деяпсан, ўғлим? Ахир у «Кизил китоб»га киритилган. Овлаш ман килинади.

– Э, бобой, битта тўнғиз билан давлат камбағал бўлиб қолармиди? Атиги битасини сўйиб олиб келинг, ишингиз хамирдан кил сурғандай осон битади. Акс ҳолда, сиз хизмат қилган ҳарбий қисмларга хат ўйлассимиз керак, сиз ётган госпиталларни излаб топишими керак. Тўнғизни эса юқоридагиларга берамиз,



РАНЖ

ишини тезроқ битиришга ёрдам беришилари учун.

Ирисали ота ўйланиб қолди. Йўқ деса, Азимхоннинг ғиворлари танасини ўқ парчаси каби тешиб юборяти, кўнай деса, жиноятчига ҳамтовор бўйай деяти. Икки ўт орасида қолиб, иккенинси танлади. Қишлоқда ифво тарқатган Азимхонни ҳам, эътиборсизлиг қилиб ҳужжатларни ўйқотган ўзини ҳам ичди аямай койиб, автобус бекатига келди. Ортига қайти, тузылган оғзаки шартномаси бекор қилмоқчи ҳам бўлди. Негадир, ботинолмади.

Қишлоқдаги таниш овчига учраб, тўнғиз гўштини сотиб олдию, ҳарбий комиссариатдаги зобит берган манзилга олиб бориб берди. Уйига қайтәтиб, уюшган жиноятчилик, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган одамлар, таъмогирлик ҳақида ўйлади. Агар буни Азимхон эшитса борми, етти маҳалла ғаштириб, суюнчи олиши ҳам мумкин.

...Куз ойларида Ирисали ота тўнғизи воқеасини унуга бошлади. Ёмғир ёғиб турганида 1943 йили Брестдаги воқеалар ёдига тушди.

Тонг ёришишоқда эди. Ҳандақнинг ичи сувга тўлса ҳам, ундан чиқишинг иложи йўқ. Сабаби, мерған (снайпер)нинг ўқига учраши турган гап. Этиклар муздай сувга тўйлан. Батальон командири, ёши 60га яқинлаб қолган майор келиб, жангчиларни руҳлантириди:

– Болаларим, яна озигина чидаймиз, бир соатдан кейин ҳужумга ўтамиш. Тез ҳаракат қилидиган бўлсангиз, этикларнинг ўзидан ўзи қуриб қолади.

Хужум ҳам осон бўлмади, батальоннинг ярми унинг кўз олдида жон берди.

...Ирисали ота ҳарбий комиссариатга катнайвериб, чарчади. Ўқитувчи жиноянинг маслаҳати билан тиббий-мехнат экспертиза комиссияси, яъни, ВТЭКка борди.

Унинг раиси отахонни тинглаб бўлгач, сўради:

– Майли, отахон, мен сизнинг урушда бўлганингизга ишондим ҳам дейлик. Лекин, њеч қандай ҳужжатнингз бўлмаси, қандай қилиб сизга тиббий экспертиза хуносини бера оламан? Нега мен сизнинг сўзларнингизга ишонишим керак? Балки, сиз кўншилар билан сан-манга бориб қолиб, кимдир отиб юборгандир?

– Ўғлим, сен шифокорсан, – деди Ирисали ота аламини ичига ўтиб. – Судтиббий хуносини чиқариб юрибсан. Танамдаги ўқни чиқариб олиб, унинг не-

чанчи йилги эканини аниқпаш қўлингандан келадими ёки шунчалик саводсизмисан?

Кария шифокорнинг жонига тегди шекилли, гапни кисқа килди:

– Сизга ўҳшаганлар кўп ҳозир. Ҳар бирининг танасидаги ўқини чиқариб, аниқлаб ўтириш менинг ишим эмас. Госпиталдан ҳужжатлар керак. Яхшиси, вақтни бой бермай, уларни топиш ҳаракатини қилинг.

– Танам илма-тешик бўлиб кетганини кўриб турибсанку, ўглим...

– Ҳужжат керак, ҳужжат, отахон! Қандай гапга тушунмайдиган одамсиз? Мен сизга тушунарли тилда гапиряпман, шекилли?

– Менга нега ўшқирасан? Сен тугилмай туриб, тўрт йил жанг қилганман, – деб Ирисали ота ўрндан турди.

У қибиқ кетгандан кейин шифокор йигит ёндиаги ёрдамчисига деди:

– Мана, кўрасан, эртага устимдан шикоят қиласди, бунақаларни биламан.

Ирисали ота њеч кимга ара қилмади. Кўз очиб юнгунча, орадан тўрт йил ўтиди. Юрагидаги оғрик бозовта қилмавергач, вилоята касалхонасига ўйлланма олиб борди. Уни рентгенга солган шифокор ҳайратини яшира олмади ва сўради:

– Отахон, юрагингизга яқин жойда икита темир парчasi турибди. Қанчондан бери бу ахволда юрибисиз? Оғриқа қандай чидаяпиз?

– Шу парчаларни чиқариб олсанг, қанчондан бери бундай юрганимни билиб оласизлар.

Уни зудлик билан операция хонасига олиб кириб, жарроҳи қилишибди. Ўзига келганида тепасида турган шифокорни таниди. Бу ўша, «ҳужжат керак, ҳужжат, отахон!» – деб ўшқиранг ВТЭК раиси эди.

Ирисали отани олиб чиқиб кетишигач, жарроҳ ёрдамчисини чақириди:

– Буни қаранг, Пўлатбек, тўрт йил муқаддам бу отахон тиббий-шифокорлик комиссиясидан ўтишига келган экан. Қайсида саводсиз, нодон шифокор уни урушда бўлмаган, деб ёзиб берибида. Баъзан, шундай, шифокор номига дод тушнирадиган ҳамкасларимиз ҳам учраб турди.

У ўз дастхатини танимади. Лекин ёзган одамни бўралатиб сўқди.

– Гиппократ қасамёдини унугтган экансан, бу кунингдан гўнг титганинг яхши эмасми, оғайни!

Аваҳон АБДУФАТТОХ.

»» Донолар бисотидан

ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ



– 15 ёнда англадимки, яхши нарсаларни кўпроқ она-лар билишади, баъзида эса оталар.

– 20 ёнда англадимки, эгри ишнинг њеч қандай нағи йўк, у ҳатто ўта мөхирлик билан бажарилган бўлса ҳам.

– 25 ёнда англадимки, бола онани саккиз соатлик кундуздан, отани эса саккиз соатлик кечадан маҳрум қиларкан.

– 30 ёнда англадимки, эркакнинг жозибаси кучида, аёлнинг кучи эса жозибасидарид.

– 35 ёнда англадимки, келажак – инсонга мерос қоладиган нарса эмас, балки ўзи ҳондатлар бўлутатириб яхши ўйнолишингиздир.

– 75 ёнда англадимки, инсон ўзини комил ҳисобламагунча ҳаракатда давом этади, ўзини комил санаган заҳоти эса ҳаракатдан тўхтайди.

– 80 ёнда англадимки, севиш ва севилиш дунёдаги энг тотли лаззатидир.

– 85 ёнда англадимки, ҳаёт ҳаётдан завқ олиши учун керакли нарсадан ташкари кечадан маҳрум қиларкан.

– 55 ёнда англадимки, кичик қарорлар мия билан қабул қилинади, катта қарорлар эса юрак билан.

– 60 ёнда англадимки, севгисиз курбонлик бўлиши мумкин, лекин курбонликиз севги бўлмайди.

– 65 ёнда англадимки, инсон ҳаётдан завқ олиши учун керакли нарсадан ташкари ўзи хоҳлаганини ҳам ейши керак.

– 70 ёнда англадимки, ҳаётдаги энг муҳим нарса қўлингизда яхши карталар бўлиши эмас, балки ємон карталар бўлутатириб яхши ўйнолишингиздир.

– 75 ёнда англадимки, инсон ўзини комил ҳисобламагунча ҳаракатда давом этади, ўзини комил санаган заҳоти эса ҳаракатдан тўхтайди.

– 80 ёнда англадимки, севиш ва севилиш дунёдаги энг тотли лаззатидир.

– 85 ёнда англадимки, ҳаёт ҳаётдан завқ олиши учун керакли нарсадан ташкари ўзи хоҳлаганини ҳам ейши керак.

Габриэль Гарсия МАРКЕС.
колумбиялик адаби,
“Нейштад” адабий мукофоти лаурети.

»» Түрмушнинг муштлари

КАЛТА ҮЙНИНГ КАЛТАГИ

Ҳаётда шундай дамлар бўладики, қувончдан ичиннга сигмай кетасан, ўзингни дунёдаги энг баҳтли инсонман, деб биласан. Яна шундай дамлар ҳам бўладики, бошингни қаेरга уриши билмайсан, бу дунёда сендан-да баҳтсиз одам йўқдек, гўё.

Тўлқин ва Нодира ҳам (исм-шарифлар ўзгартирилган) никоҳ тўйи қархандан масрур эйлар. Тўй ҳам кўпчилик ҳавас қиласа, аргигудек ўти. Уларнинг кейинги ҳаёт ҳам ёмон кечмади. Эр-хотиннинг топгани рўзгорнинг каму кўстига бемалол етар, муҳтоҷлик сезишмасди. Айниқса, бирин-кетин дунёга келган учар фарзанд оиласига чексиз қувонч баҳш этди.

Бугун ана шу оиласигинг пойдевори дарз кетди. Эр-хотин ажраши, фарзандларнинг иккиси ота, бириси она меҳрига зор бўлиб улгаймода. Хўш, бунга нима сабаб бўлди? Оиласиги дуғожига топғанига ўзига ўтишини т

>>> Яхшилардан сүз очдик



ЭЛ АРДОҚЛАГАН ИНСОН

Республика куни арафасида Қозоғистон Республикасы Президентининг 2023 йил 16 октябридаги 377-сонли Фармонига биноан мамлакатга кўрсатган алоҳида меҳнатлари, фаол жамоатчилик хизмати, ҳалқнинг ижтимоий-иқтисидой ва маданий турмуш даражасини яхшилаш, мамлакатлардо дўйстлик вқа ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўшган салмоқли ҳиссаси учун Шимкент шаҳар ва вилоятимизнинг бир гуруҳ зиёлилари, давлат хизмати, қишлоқ хўжалиги соҳаси, тибиёт, таълим соҳапари ходимлари, аҳолига хизмат кўрсатиш маҳкамалари етакчилари ва илгролари, ишлаб чиқариши ширкатларда раислари, хусусий тадбиркорлар ва бошча соҳаларда фаолият юриштаган ҳамюргларимиздан бир гурухи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида ўзининг уддабуролиги, юксак салоҳияти, заҳматли меҳнати ва юқори ташкилотчилик фазилатлари билан нафақат шаҳримиз, вилоятимиз аҳлига, ҳатто республикамизга яхши танилган Абдуқаҳдор Ҳошим ўғли Файзахмедов ҳам бор, у "Достық" ордени билан тақдирланди.

Шаҳримиздаги тадбиркорлар саркори, таникли меценат, қатор тўйхоналар ва савдо уйларининг қад ростлашига раҳнамолик қилиб, бугунги кунда 2000дан зиёд одамни доимий иш билан таъминламоқда, шарафли ишларнинг бош-кошида.

Ха, азизлар: "Жанубий Қозоғистон" газетасининг ададини ошириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашда кўйиллар мобайнида ёрдамини аямаган, ютуқларига жамоа билан биргаликда қувонган ишбормон-устозни таҳририяни номидан юқсан мукофот билан муборакбод этиб, бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Абдуқаҳдор Ҳошим ўғли, ўзингиз ҳамда фаолиятингиз тўғрисида гапириб берсангиз.

— 1959 йили Шимкент шаҳрида зиёли ўқитувчилар оиласида дунёга келдим. Шаҳримиздаги Ҳамза номли мактабни 1976 йили мұваффакиятни тамомлаб, 1979 йили Тошкент политехника институтидаги таҳсил олдим. Дастрлабки меҳнат фаолиятимни Шимкент шаҳридан 3-сонли автокорхонада бошлаб, автобус паркida таъмиричи уста бўлдим, кейин ўқитувчилар ҳам қилдим.

— Тадбиркорлик фаолиятингизни қаҷон бошладингиз?

— 1991 йили Қозоғистон Республикаси мустақилликка эришгач, хусусий тадбиркорликка йўл очиди. Натижада, аввал ёнилги кувиш шоҳобчасини очдик, сўнг йирик ку-

рилишларга қўл урдик. Замон талабига мос бир неча тўйхонани куриб, ишга туширидик. Ушбу кошоналарда бир вақтнинг ўзида 4-5 минг аҳолига хизмат килиш имконияти яратилди. Шунингдек, кўплаб одамларни иш билан таъминладим. Кейинчалик 4 қаватли, 1000 ўрнини "Rakhima Plaza" ҳамда 6 қаватли "Dur plaza" савдо марказларини барпо этиб, ишга туширидик.

Бугунги кунда икки тўйхонани маданий-маший хизмат кўрсатиш мусасасаларига айлантиридик, "Jeti tandir" милий таомлар таамдихоналарини ташкил этдик. Натижада бир вақтнинг ўзида 1000 одамга хизмат кўрсатиш имконига ега булдик.

— Халқимиз сизни элларвар ишбормон сифатида яхши танидай. Тадбиркорликда биз билмайдиган яна қандай сирлар бор?

— Асосий мақсадимиз – аҳолининг ўтиёжини қондириш, манфаатларига хизмат қилиб, талабларини таъминлаш. Бу борада КР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев: "Албатта, тараққиёт ўйлумиз доим равон бўлавермайди. Ҳеч ким четдан келиб, Қозоғистонни ривожлантириб бермайди. Бунинг учун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси замон билан ҳамнафас бўлиши керак", деб бежиз айтмаган. Юртбошимиз "тадбиркорлар манфаатлари химоя қилинши зарур", деб бизни кўллаб-кувватласа, қозоғистонлик ҳар бир тадбиркорнинг забт этолмайди.

— Тадбиркорлик фаолиятингизни қаҷон бошладингиз?

— 1991 йили Қозоғистон Республикаси мустақилликка эришгач, хусусий тадбиркорликка йўл очиди. Натижада, аввал ёнилги кувиш шоҳобчасини очдик, сўнг йирик ку-

рилишларга қўл урдик. Замон талабига мос бир неча тўйхонани куриб, ишга туширидик. Ушбу кошоналарда бир вақтнинг ўзида 4-5 минг аҳолига хизмат килиш имконияти яратилди. Шунингдек, кўплаб одамларни иш билан таъминладим. Кейинчалик 4 қаватли, 1000 ўрнини "Rakhima Plaza" ҳамда 6 қаватли "Dur plaza" савдо марказларини барпо этиб, ишга туширидик.

— Суҳбатимиз сўнггида адолатли Қозоғистон ёшлиларига тилакларингизни билдирангиз.

— Мустақиллик – Яратганинг ҳалқимизга берган бекиёс эҳсони. Бу шундай неъматки, ундан ҳалқимиз ва мамлакатимиз равнақ топади.

Сахий, бағрикенг, дили тоза, сўзи ва имони бутун, бурчига садоқатли ҳалқимизнинг ҳар бир фарзанди бундай неъматдан унумли фойдаланиши керак. Ҳаётда узоқни кўзлаб, мулоҳаза билан иш тутиш ўзининг ижобий натижаларини берип келган. Отаонлар истеъодли ва заковатли фарзандларини мактаб ва нуғузли олий ўқув юртларида малакали билим олишлари учун шароит юратишлари зарур.

Шунингдек, айрим касб эгаларига нисбатан ҳавас билан қараб, ақ билан ишларни кўзлаган тоза қалбли айрим ўғил-қизларимизга ўз салоҳияти, орзу-истакларини инобатга олган ҳолда ҳунар-қасб эгаллашпирга имконият яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Суҳбатингиз учун ташаккур, ишларингизга барака тилаймиз.

Ҳайитмат МУҲИДДИНОВ.



Шаҳбайт

"САРВКИМ, УЛ ТЎГРИ
ЧЕКИБ ҚОМАТИН,
КЎРМАЙИН ОСИБИ
ЗАМОН ОФАТИН".
Алишер НАВОИЙ.

(Табдили: "сарв дарахтанинг куримай кўкариб туриши тўғриларининг (тик ўсиши) натижасидир").



"ФОЙДАСИЗ ҚОНУНЛАР
ЗАРУР ҚОНУНЛАРНИ ОЖИЗ-
ЛАШТИРАДИ".

Шарль Луи МОНТЕСКЬЕ,
француз файлайсуфи

Маколалар жаҳохифзлар

- ЭРСИЗ ХОТИН ЮГАНСИЗ ОТ КАБИДИР.
- ТУРМУШГА ЧИҚИШ – КАТТА ҚИЗДАН, ПОЛ АРТИШ – КИЧКИНАСИДАН.
- ЭШАККА ЭГАР СОЛГАНИНГ БИЛАН ОТ БЎЛОЛМАЙДИ.
- ОТДАН ОТ ТУҒИЛАДИ, ЭШАКДАН ЭШАК.
- ИШИНГ ЮРИШМАСА, ЎЗ ИТИНГ ҲАМ ҚОПАДИ.
- БЕОЗОР ЭШАККА ИККИ КИШИ МИНАДИ.
- ОТАНГ – ПИЁС, ОНАНГ САРИМСОҚ БЎЛСА, СЕН ҚАНДАЙ АТИРГУЛ БЎЛА ҚОЛДИНГ?
- БЕГОНА ХОТИН ҚИЗДАЙ КЎРИНАДИ.

Озарбайжон ҳалқ мақоллари.

»»» Табобат



ҚОННИ ТОЗАЛАШ
ВА ВАЗН ЙЎҚОТИШ
УЧУН АЖОЙИБ
ТАВСИЯ!

Кўллаш усул:

0,5 кг саримсоқни майдаланг ва 24 дона лимонни сиқиб олинг. Арапашмани кенг оғизли идишга(банка) солинг ва озиқ-овқат плёнкаси билан ёпинг.

24 кун кутинг. Сўнг истеъомларни қилишдан аввал сил-китинг!

Кунига бир махал ётишдан олдин 1 чой қошиқ арапашмани ярим стакан сувга солиб, арапаштириб истеъомларни қилинг.

10-14 кундан кейин сиз...

- вазн йўқотасиз;
- чароқ ҳисси ўйқолади;
- ўйку яхшиланади.

АНЖИР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ!

Анжир Альтсгей-мер, Паркинсон, деманс ва бошқа неврологик касалликларнинг олдини олиш учун ажойиб восита-дир.



• Бундан ташқари, бу мевааралар хурмо билан бирга ошқозон-ичак тизими учун ҳақиқий топилма ҳисобланади.

• Бу инсониятга маълум бўлган энг самарали йўғон иякни тозалаш воситаларидан биридир.



НИМА УЧУН
ҚОВОҚ УРУНИ
ИСТЕЪМОЛ
ҚИЛИШ КЕРАК?

Қоғоқ уруғи тўйимли ва фойдали маҳсулот бўлиб, таркибида 52 фоизгача ёғ ва 28 фоизгача протеин мавжуд.

Бу маҳсулот юракни хасталиклардан ҳимоя қиливчи ва ялилганиши камайтируви Омега-Знинг энг яхши манзараларидан биридир.

Бир ҳовч ошқозоқ уруғи магний, мис, рух ва темирга бўлган кунлик эхтиёжининг 14-42 фоизини таъминланади.

Уруғларни қовурманг, шунчаки куритинг, бу билан кўпроқ озуқа моддалари сақланиб қолади.

БОЛАЛАРНИ ЎПИШ ЗАРАРМИ?

• Шифокорларнинг таъкидлашича, одам организмига вирус болаликдаёт ўтади.

• Масалан, герпесга чалинган ота-оналар фарзандларини ҳеч ўйламасдан ўпадилар ва шу тарзда уларга вирусни юқтирадилар.

• Оқибатда бола герпетик стоматит ёки ангини, лаберперси ва шу каби бир «даста» касалликларни ортириб олади.

• Шу боисдан доимо этиборли бўлинг!

Фидойишк - шарадга лойик

ТЎЛЕБИЙЛИК ДОИМИЙ ОБУНАЧИМИЗ, ГАЗЕТАМИЗ ЖОНКУЯРИ РАҲМОНАЛИ БОЙМАТОВ 85 ЁШДА

Султонработ қишлоғида таваллуд топиб, мактабни, сўнг Қишлоқ хўжалик техникумининг чорвачилик бўлумини таъмомлади.

Мехнат фаолиятини жамоа хўжалиги фермасида бошлаб, 1957-1973 йилларда "Казигурт" давлат хўжалигининг "XXI партсъезд" бўлимида, сўнг Ленгер шаҳрида автомобизда шаҳарини таъмиричиларни қондириш, манфаатларига хизмат қилиб, талабларини таъминлаш. Бу борада КР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев: "Албатта, тараққиёт ўйлумиз доим равон бўлавермайди. Ҳеч ким четдан келиб, Қозоғистонни ривожлантириб бермайди. Бунинг учун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси замон билан ҳамнафас бўлиши керак", деб бежиз айтмаган. Юртбошимиз "тадбиркорлар манфаатлари химоя қилинши зарур", деб бизни кўллаб-кувватласа, қозоғистонлик ҳар бир тадбиркорнинг забт этолмайди.

Отахон уруш йилларида онасига ёрдам берши учун далада ишлагани, 1953 йили қишлоқ электр куввати билан таъминлангани, бу ишда ўзи ўзи шаштироқ эттани хамда клубда ҳамқишлоқларига кино кўрсатгани, пахтавчилини бригадасида чигит қадалгандан бошлаб экинни парваришилагани, терганини эслайди.

— Умрим меҳнатда ўтди, – дейди отахон. – Узон умр кўриш аввали, Яратганинг марҳамати, қолаверса, ҳалол меҳнат, қўнгил хотиржамлиги, бағрикенглиг, одамларга яхшилик қилиш инсон умрини узун ва зийннати қилид. Мен ўтаётган умримга шукр қиламан. Шунча йил яшадим, ризқ-насибам кам бўлмади. Фарзандларим кунимга яраянти, невара, чевараларим атрофимда парвона, давлатимиз мен каби кексаларга хурмат, эззоз кўрсатмода. Бундан ортиқ баҳт йўй, 1950 йилда қишлоқ клуб барпо этиди. Мустақиллик давригача ёшларнинг севикили масканни эди. Қишлоқ фаоллари билан бу мұхташам бинода музей очиши режалаёт-



Б. ДЎСМАТОВА.
Масъул шахслар:

Туркестон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(7253) 2-40-07.
Кентов, Сўзок – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +708-824-20-97.
Тўлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(7254) 6-07-16.
Казигурт –